

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«ДЕХҚОНЧИЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ» КАФЕДРАСИ

«ДЕХҚОНЧИЛИК» ФАНИДАН КУРС ИШИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ 2-БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



АНДИЖОН-2012 й

Тузувчилар:

Доцент: С.Л.Бахромов
Ассистент: Н. А. Мамажонова

Такризчилар:

1. «Ўсимликларни химоя қилиш, агрохимё ва тупроқшунослик» кафедраси доценти С. Ғаниев
2. «Ўсимликшунослик» кафедраси доценти С. Турсунов

Мазкур услубий кўрсатма «Дехқончилик ва экология» кафедраси йиғилишида маъқулланган (Баённома № 10. 2.10. 2011 й)

Институт услубий кенгаш томонидан тасдиқланган (Баённома № 3 20 декабр 2011 й) ҳамда Агрономия факултети талабалари учун фойдаланишга тавсия этилган.

Комиссия раиси, доц:

С.Турсунов

1.КИРИШ

«Дехқончилик» фани агрономия факултети талабалари учун бевосита мутахассисликка дахлдор фанлар қаторига киради. Бинобарин, шу фан мамлакатимиз деҳқончилигининг назарий асослари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини ўргатади.

«Дехқончилик» фанидан курс иши 2-босқич агрономия, ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш таълим йуналишлари бўйича талабалар томонидан IV-семестрда бажарилади.

Курс ишини бажаришдан асосий мақсад:

-талабаларни «Дехқончилик» фанидан олган билимлари, кўникмаларини чуқурлаштириш, мустахкамлаш ва кенгайтириш;

-талабаларда назарий билимларини бевосита ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаши учун кўникмалар ҳосил қилиш;

-талабалар томонидан бевосита ишлаб чиқаришдаги фан янгиликлари, илғорлар тажрибаси, янги техника ва технологияларни ўзлаштиришга эришиш;

-талабаларда илмий ва амалий адабиётлар билан ишлаш, муайян фермер-хўжалигида олган назарий билимларни амалиёт билан боғлайолиш тасаввурини ҳосил қилиш;

-муайян фермер хўжалиги тупроқ-иқлим шароитида экинлар парваришни уларни ҳосилдорлигини ошириш бўйича билим доирасини кенгайтириш;

-талабаларни «Дехқончилик» фанини ўрганиш жараёнида олган назарий билимларни бевосита ишлаб чиқариш шароитида қўллай билиш даражасини баҳолаш.

Мазкур курс ишини тайёрлаш жараёнида талаба маълум мавзунини танлаб олади, муайян фермер хўжалигида деҳқончилик маданияти, тупроқ ҳолати, иқлим шароитини ўрганади, хўжаликда қўлланиладиган деҳқончилик тизими билан бевосита танишади.

Курс ишини бажариш давомида талаба ўқитувчи билан бевосита фикрлашади, маслаҳат олади.

Курс ишини тайёрлаш учун зарур маълумотлар тўплайди, адабиётларни ўрганади ҳамда уларни тушунарли, содда, раван тилда шарҳлаб матн тузади, химоя қилади.

2.КУРС ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бош саҳифа 1 бет. Институт, факултет, таълим йўналиши, кафедра номлари берилади. Бажарувчи талабанинг исми-шарифи, ўқув босқичи, гуруҳи ёзилади. Танланган мавзу, ўқитувчининг илмий унвони, исми-шарифи, вазифаси келтирилади. Манзил ва йил кўрсатилади.

2.1.Кириш. 2-3 бет. Бу бўлимда деҳқончиликка оид Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, қонунлар келтирилади. Танланган мавзунини қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, Деҳқончилик тизимидаги ўрни, мавзунини назарий асослари, вилоят, туман ва фермер хўжаликларидаги ҳолати, амалий асослари қисқа баён этилади.

2.2.Адабиётлар шархи, 4-5 бет. Кейинги 10 йил давомида нашр этилган, танланган мавзуга алоқадор илмий манбалар шархланади. Муаллиф, манба нашр қилинган йиллар келтирилади. Жами манбалар сони 12-15 дона бўлиши зарур.

2.3.Тупроқ ва иқлим шароитлари, 2-3 бет. Бўлимда мавзу бўйича танланган фермер хўжалиги тупроқлари тавсифланади. Хўжаликни жуғрофий ўрни, майдони, иқлим шароити (хавонинг йиллик ўртача харорати, бир йилдаги +5 ва +10⁰С даражадан юқори бўладиган кунлар сони, экиладиган экинлар учун фойдали харорат йиғиндиси, йиллик ёғинлар микдори) келтирилади. Хўжалик ерларининг мелиорациялашганлик ҳолати қисқа баён этилади.

2.4.Хўжаликнинг умумий тавсифи, 3-4 бет. Ушбу бўлимда фермер хўжалигининг умумий майдони, хайдаладиган ер майдони, бир ва кўп йиллик (боғлар, узумзор, теракзорлар) экинлар майдони, бир йиллик экинларни салмоғи жадвал тариқасида берилади, тахлил қилинади. Шунингдек хўжаликни сув манбалари, ишчи кучи, техника, мадан ўғитлар, органик ўғитлар билан таъминланганлик даражаси ҳам берилади.

Маълумотлар кейинги 2-3 йилликда бўлиши лозим.

Хўжаликдаги сиёсий, ижтимоий, иктисодий ҳолатлар қисқа баён этилади.

3. АСОСИЙ ҚИСМ

Матин 10-15 бетдан иборат бўлиши лозим. Бу бўлимда талаба танлаган мавзу номи тўла ёзилади ва қуйидаги қисмлар бўйича мавзу ёритилади.

3.1.Дехқончилик қонунлари ва экинлар ҳосилдорлиги 1-2 бет.

3.2.Хўжалик шароитида ўсимликларни сув ва озуқа маромлари 1-2 бет.

3.3.Хўжалик тупроғининг агрофизикавий хусусиятлари, 1-2 бет.

3.4.Хўжаликда жорий этилган алмашлаб экиш. 1-2 бет.

3.5.Хўжалик далаларида тарқалган бегона ўтлар ва уларга қарши кураш усуллари 1-2 бет.

3.6.Хўжаликда амалга ошириладиган ерни ишлаш тизимлари, 1-2 бет.

3.7.Хўжалик асосий экинларининг агротехникаси 1-2 бет.

3.8.Хўжаликни деҳқончилик тизими, 1 бет.

4. ХУЛОСАЛАР,

Юқоридаги 8 қисм мазмуни маълумотларга асосланиб мавзуга мослаб тахлил қилинади ҳулоса ёзилади 1 бет.

5. КУРС ИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Курс ишининг умумий ҳажми 20-25 саҳифадан иборат бўлади. барча саҳифалар рақамланади. Бош саҳифадан бошқа барча саҳифаларни юқорисидан 20 мм, пастидан 15 мм, ўнг томонидан 10 мм, чап томонидан 25 см бўш жой қолдирилади. Ҳар бир саҳифада 25-26 қатор қилиб матн ёзилади.

Матн ёзиш маданияти талабга жавоб бериши зарур.

Ҳар бир жадвал ихчам, тушунарли қилиб тайёрланиши, номланиши, рақамланиши керак.

Курс ишининг кулёзма матни тайёр бўлгач махсус жилдга (скорошиватель) тикилади. Жилд тепасига бош саҳифани компьютер нусхаси елимланади. Курс иши «Дехқончилик» фанидан якуний имтихонигача химоя қилиниши шарт.

6.КУРС ИШИНИНГ МАВЗУЛАРИ

1. Дехқончиликнинг назарий асослари ва экинлар ҳосилдорлиги.
2. Дехқончиликнинг қонунлари ва экинлар ҳосилдорлиги.
3. Фермер хўжалигида тупроқ ҳаво маромини яхшилаш ва бошқаришнинг аҳамияти.
4. Фермер хўжалигида тупроқни харорати маромини яхшилаш ва бошқаришнинг аҳамияти.
5. Фермер хўжалигида ўсимликларни ёруғлик маромини яхшилаш ва бошқаришнинг аҳамияти.
6. Фермер хўжалигида экинларни суғориш маромини бошқариш ва яхшилашнинг аҳамияти.
7. Фермер хўжалигида экинлар озуқа маромини яхшилаш ва бошқаришнинг аҳамияти.
8. Фермер хўжалигида тупроқнинг агрофизикавий хусусиятларини яхшилашнинг аҳамияти.
9. Фермер хўжалигида тупроқнинг сув хусусиятларини яхшилаш ва бошқаришнинг аҳамияти.
10. Фермер хўжалигида тупроқ унумдорлигини оширишнинг аҳамияти.
11. Фермер хўжалигида алмашлаб экишнинг ҳолати ва аҳамияти.
12. Фермер хўжалигида навбатлаб экиш ва унинг аҳамияти.
13. Фермер хўжалиги далаларида тарқалган бегона ўтлар ва уларнинг зарари.
14. Фермер хўжалигида тарқалган бегона ўтлар ва уларга қарши олдини олиш чоралари.
15. Фермер хўжалиги далаларида тарқалган бегона ўтлар ва уларга қарши агротехникавий кураш чоралари.
16. Фермер хўжалигида майдонларни бегона ўтлар босиши ва уларга қарши кимёвий чоралар.
17. Фермер хўжалигида текинхўр бегона ўтларни тарқалиши ва уларга қарши кураш чоралари.
18. Фермер хўжалигида ерга асосий ишлов беришнинг ҳолати ва аҳамияти.
19. Фермер хўжалигида ерга юза ишлов беришнинг ҳолати ва аҳамияти.
20. Фермер хўжалигида ерга ишлов бериш тизимлари ва уларнинг аҳамияти.
21. Фермер хўжалигида кузги буғдой экиш ва парваришлаш технологияси.
22. Фермер хўжалигида арпа экиш ва парваришлаш технологияси.
23. Фермер хўжалигида кузги жавдар экиш ва парваришлаш технологияси.
24. Фермер хўжалигида такрорий соя экиш ва парваришлаш технологияси.

25. Фермер хўжалигида такрорий маккажўхори экиш ва парваришlash технологияси.
 26. Фермер хўжалигида оралиқ экинлар экиш ва парваришlash технологияси.
 27. Фермер хўжалигида беда экиш ва парваришlash технологияси.
 28. Фермер хўжалигида плёнка остига чигит экиб пахта етиштириш технологиясининг аҳамияти.
 29. Фермер хўжалигида кўлланилаётган деҳқончилик тизими ва унинг аҳамияти
- Талаба юқоридаги мавзулардан бирини танлаб курс иши тайёрлайди.

7.АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Абдукаримов Д.Т ва бошқалар. Деҳқончилик асослари ва ем хашак етиштириш. Тошкент 1987 й. 392 бет.
2. Ахмедов Х.А. Суғориш мелиорацияси. Тошкент 1977 й. 340 бет.
3. Бахромов С. Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали. 2001-2005 йиллар.
4. Бахромов С. Андижон кишлок хўжалиги институти конференция тўпламлари 2001- 2007 йиллар.
5. Дояренко А.Г. Факторы жизни растений. Москва 1966, 280 стр.
6. Еременко В.Е. Режим орошение и техника полива хлопчатника. Ташкент 1957, 402 стр.
7. Зауров Э.И. ва бошқалар Умумий Деҳқончилик. Тошкент 1968, 268 бет.
8. Зокиров Т.С. Пахта даласи экологияси. Тошкент 1991 й. 184 бет.
9. Зокиров Т.С. Химия ва пахтачилик. Тошкент 1973 й. 122 бет.
10. Лев В.Г. Обикор деҳқончилик. Тошкент, 1976, 176 бет.
11. Мирзажанов К.М. Научные основы борьбы с ветровой эрозией на орошаемых землях Узбекистана. Тошкент 1981 г.214 стр.
12. Меднис М.Г. Режим орошения и густота стояния хлопчатника.
13. Рыжов С.Н. Сукач И.Ф Суғориладиган ерларда деҳқончилик. Ташкент 1965, 372 бет.
14. Турсунходжаев З.С. Научные основы севооборотов на землях Голодной степи. Тошкент 1972 г. 256 бет.
15. Эрматов А. Суғориладиган деҳқончилик. Тошкент 1983.
16. Эрматов А. Суғориладиган ерлардаги бегона ўтлар ва уларга қарши кураш. Тошкент 1987 й.
17. Ғаниев С, Комилов О. Деҳқончилик, агрокимё ва тупроқшунослик асослари Тошкент 2005 йил.
18. Ўзбекистон ҳукуматининг Президентнинг кишлок хўжалигини ривожлантириш бўйича қарорлари, фармонлари, асарлари. Тошкент 1991-2007 йиллар.

Курс ишини матнида фойдаланилган адабиётлар руйхати амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича тузилади.

Юқоридаги 7 бўлим ва 12 қисм тўла ёритилмаган, матн ёзиш тартибига амал қилинмаган курс ишлари химояга қабул қилинмайди.